

Достон МУСТАФАЕВ

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Исломишунослик ва ислом

цивилизациясини ўрганиш

ICESCO кафедраси таянч докторанти

mcdos@inbox.ru

САЙИД ШАРИФ ЖУРЖОНИЙНИНГ ҚУРЪОН ИЛМЛАРИГА ОИД АСАРЛАРИ ТАҲЛИЛИ

THE ANALYSIS OF SAYYID SHARIF JURJANI'S WORKS ON THE QUR'ANIC SCIENCES

АНАЛИЗ РАБОТ САЙИД ШАРИФ ДЖУРДЖАНИ ПО КОРАНИЧЕСКИМ НАУКАМ

Аннотация: Мазкур мақолада Саййид Шариф Журжоний ҳаёти ва илмий мероси, унинг Қуръон илмларига оид асарлари, уларнинг таркибий тузилиши, мазкур асарларнинг мазмуни ва ўзига хос жиҳатлари ҳақидаги маълумотлар жамланиб илмий таҳлил этилган. Олимнинг ҳозирга қадар етиб келмаган асарлари, шу билан бирга, ҳозирга қадар етиб келган, аммо ҳануз тадқиқ этилмаган мазкур соҳадаги асарларининг қўлёзма нусхалари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: Журжоний, Қуръон илмлари, тафсир, Кашишоф, Қуръон луғати, диний истилоҳлар қомуси.

Аннотация: В статье обобщены и проанализированы жизнь и научное наследие Саййида Шарифа Джурджани, его работы по наукам Корана, их структура, содержание и специфика этих работ. В статье также представлена информация о еще не поступивших работах ученого. Есть также сведения о рукописях его работ в этой области, которые до сих пор поступили, но еще не изучены.

Ключевые слова: Джурджани, коранические науки, тафсир, Кашишаф, коранический словарь, энциклопедия религиозных терминов.

Annotation: The article summarizes and analyzes the life and scientific heritage of Sayyid Sharif Jurjani, his existing works on the Koranic sciences, their structure, content and specificity of these works. The article also provides information about the scientist's not

yet received works. There is also information about the manuscripts of his work in this area, which have been received so far, but have not yet been studied.

Keywords: Jurjani, Koranic sciences, tafsir, Kashshaf, Koranic dictionary, encyclopedia of religious terms.

КИРИШ

Ўрта асрлар Шарқ ислом илмлари тараққиётида темурийлар даври илмий муҳитининг ўзига хос ўрни мавжуд. Бу даврда Мовароуннаҳр ўлкасидан кўплаб муфассирлар, мутакаллимлар ва тилшунос олимлар етишиб чиққан. IX–X асрлар ўлкада ҳадис илмларининг ривожланиши даври бўлди, ундан кейинги даврда эса фикҳ ва тафсирга оид машҳур асарлар ёзилди. Айнан темурийлар даврига келиб муқаддам ёзилган тафсирлар кенг ўрганилиб, уларга шарҳ ва хошиялар битилди. Бу даврда фаолият олиб борган ҳамда илм-фаннинг ўнлаб соҳаларига оид юзга яқин асарлар битган Саййид Шариф Журжоний (ваф. 816/1413 й.) ҳам калом, мантиқ, балоғат, фикҳ, ҳадис, астрономия, фалсафа илмлари каторида тафсир ва Қуръон луғатига бағишланган асарлар ёзди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Саййид Шариф Журжоний 1340 йили Журжон яқинидаги Току қишлоғида таваллуд топган. Олимнинг тўлиқ исми Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Али бўлиб, саййид нисбати пайғамбар Муҳаммад (алайҳиссалом)га насаб жиҳатидан алоқадорлиги сабабидан берилган.

Журжоний дастлабки таълимни ўз юртида олди. Сўнг Хирот шаҳрига сафар қилиб, у ерда Қутбуддин Розийнинг (ваф. 766/1365 й.) мантиқ илмига оид “Шарҳ аш-Шамсий” ва “Шарҳ ал-Матолей” асарларини муаллифнинг ўзидан таълим олди. Бир муддат ўтгач Қутбуддин Розий Журжонийга Миср диёридаги шогирди Муборакшоҳ ҳузурига бориб илм олишни маслаҳат берди. Миср сафаридан юртига қайтгач Саъдуддин Тафтазоний (ваф. 792/1390 й.) олимни Султон Шоҳ Шужоъга таништирди. Султон уни Шероздаги Шифо мадрасасига мударрис этиб тайинлади. Ўн йиллик фаолиятдан сўнг олимнинг шухрати илм аҳллари орасида кенг тарқалди.

Амир Темур (ваф. /1405 й.) 1387 йилда Шероз шаҳрини ишғол этгач, Саййид Шариф Журжонийни Самарқандга олиб келди.

Олим мазкур шаҳарда йигирма йилга яқин мударрисларга раислик қилди ҳамда ҳаёти давомида ёзган асарларининг аксар қисмини мана шу ерда таълиф этди. У ва Саъдуддин Тафтазоний каби олимлар ўртасида ўзаро илмий баҳс ва мунозаралар бўлиб турар эди. Бунинг натижасида Журжонийнинг илмий савияси ҳукмдор Амир Темур, шу билан бирга, бошқа олимлар эътиборига тушди.

Журжонийнинг илмий фаолияти туфайли мантиқ темурийлар даврида инсон билимларининг барчасига қўлланадиган қоида ва мезон қонунига айланган [1:169].

1405 йилда Амир Темур вафот этганидан сўнг мамлакатда юзага келган парокандалик сабаб Саййид Шариф Журжоний Шерозга қайтди ва 1413 йил вафот этгунига қадар ушбу шаҳарда илмий фаолиятини давом эттирди [2:3].

Саййид Шариф Журжоний ўзидан сўнг улкан илмий мерос қолдирган кам сонли олимлардан саналади. У диний ва дунёвий илмларга оид бир қанча асарлар таълиф этди. Мазкур илмлар аввалида калом илми, араб тили, фалсафа, мантиқ, астрономия, математика, тарих, фикҳ, ҳадис, тафсир, тасаввуф кабиларни санаб ўтиш мумкин.

Манбаларда қайд этилишича, Журжоний ўта закий, ҳар бир масалани дақиқ ўрганувчи, фасоҳат ва балоғат соҳиби, мунозара юритишда моҳир, муҳаққиқ уламолардан ҳисобланган. Унинг араб тили, мерос ва калом илмига оид асарлари бир неча авлод алмашса-да, таълим масканларида асосий манба сифатида ўқитилмоқда.

Журжоний диний ва дунёвий илмларга бағишланган юзга яқин асар ёзган. Асарларининг аксар қисмини шарҳ ва ҳошиялар ташкил этади. Хусусан, калом илмига оид “Шарҳ ал-мавоқиф”, “Шарҳ ал-ақоид ал-азудийя”, “Шарҳ ал-асма ал-хусна”, “Рисола фи ал-фирка ан-нажия фи ал-мазаҳиб”, “Ҳошия ала ат-тажрид”, фалсафа, мантиқ ва астрономияга оид “Ҳошия ала шарҳ ҳикмати-л-айн”, “Ҳошия ала шарҳ ҳидоя ал-ҳикма”, “Ҳошия ала лавами ал-асрор шарҳ матоле ал-анвор”, “Рисола фи ал-мантиқ”, араб тилига оид “ат-Таърифот”, “Шарҳ ал-Иззий”, “Ҳошия ала шарҳ ал-Кофия”, “Ҳошия аъла ал-Мутоввал”, фикҳга оид “Ҳошия ала шарҳ мухтасар ал-мунтаҳо”, “Ҳошия ала ат-талвих”

, “Шарҳ ал-фароиз ас-сирожийя”, тасаввуфга оид “ар-Рисола аш-шавқийя”, “ар-Рисола ал-баҳойя”, “Таълиқ ала авариф ал-маориф”, тафсир илмига оид “Ҳошия ала ал-Кашшоф”, “Ҳошия ала тафсир ал-Байзовий”, “Тафсир аз-заҳровайн”, “Рисола фи баъзи мушкилат ал-Кашшоф”, Қуръон луғатига оид “Таржумон ал-Қуръон”, ҳадис илмига оид “ад-Дибож ал-мазҳаб”, “Ҳошия ала хулоса ат-Тибий” ва бошқалар. Ушбу асарлар кўлами ва мавзуси ҳам кўрсатиб турганидек, Саййид Шариф Журжонийни ўз даврининг қомусий олими сифатида эътироф этишимиз мумкин.

Ҳозирга қадар олиб борилган тадқиқотларга кўра, олимнинг Қуръон илмларига оид маълумотлар келтирилган саккиз асари мавжуд. Улар қуйидагилар:

1. “Ҳошия ала аваил тафсир ал-Кашшоф ан ҳақоик ат-танзил ва уюн ал-ақовил фи вуҷух ат-таъвил” (“Ҳошия ала ал-Кашшоф”);
2. “Ҳошия ала аваил тафсир анвор ат-танзил ва асрор ат-таъвил” (“Ҳошия ала тафсир ал-Байзовий”);
3. “Тафсир аз-заҳровайн” (“Тафсири Саййид Шариф”);
4. “Таржумон ал-Қуръон” (“ат-Таржумон фи-т-тафсир”, “Таржумони луғот”);
5. “Рисола фи қовлиҳи таала “Санурийҳим аятина фи-л-офоқи ва фи анфусиҳим””;
6. “Рисола фи баъзи мушкилат ал-Кашшоф” (“Шарҳ мушкилат ал-Кашшоф”);
7. “Ат-Таърифот”;
8. “Шарҳ муфрадот ал-Қуръон”.

Олимнинг Қуръон илмларига оид ушбу асарлари ҳақида ҳанафий мазҳабига оид табакот жанридаги ҳамда исломий китоблар ҳақида маълумотлар жамланган асарлар орқали бохабар бўлиш мумкин.

Саййид Шариф Журжонийнинг “Ҳошия ала ал-Кашшоф” асари аллома Маҳмуд Замахшарийнинг “ал-Кашшоф ан ҳақоик ат-танзил” номли машҳур тафсир асарининг дастлабки қисми, яъни Фотиҳа сураси ҳамда Бақара сурасининг илк йигирма беш ояти тафсирига ёзилган ҳошия саналади.

Журжонийнинг ушбу асари қачон ва қаерда ёзилгани ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар келтирилмаган бўлса-да, асар савияси ва унда келтирилган маълумотларга кўра, олим уни етарли илм таҳсил қилганидан сўнг ҳамда

791/1389 йилларда Тафтазоний билан олиб борган мунозаралари вақтида ёхуд бундан бир муддат кейин таълиф этган, дея оламиз. Чунки Журжоний бу асарида “Баъзилар шундай иддао қилади” [3:25] каби ифодалар орқали Тафтазоний ва ўзи ўртасида кечган мунозараларга ишора этади [4:179].

Саййид Шариф Замахшарийнинг тафсирига ёзган бу хошиясида Қуръон, тафсир билан боғлиқ изоҳларида лозим ўринларда тил қоидалари, ақоид ва ислом тушунчаси йўналишларига катта аҳамият беради. Луғат ва эъроб йўналишидаги изоҳталаб сўзларни сарф ва наҳв қоидаларига кўра изоҳлайди. Бунинг учун ҳатто араб шеърятидан далиллар келтиради. Ушбулардан келиб чиқиб, Журжонийнинг мазкур хошиясини луғат, эъроб, адабиёт ва калом илми йўналишидаги қарашларга бой хошия деб баҳолаш мумкин.

Журжоний хошияни ёзар экан, баъзи ўринларда кироат илмига ҳам мурожаат этади ва кироатлар ўртасида юзага келган фарқларни ҳам ёритиб ўтади. Унинг илмий шахсияти ҳақида сўз кетаркан, юқорида таъкидлаганимиздек, у эътиборли файласуф бўлиши билан бирга араб тилшуноси ҳамда адабиётчиси ҳамдир. Хошияларда калом илми йўналишида аҳли сунна ва мўътазилийлик эътиқодлари ўртасидаги ихтилофлар хусусида сўз юритгани каби араб тили ва адабиёти йўналишида ҳам юксак бир маҳорат билан изоҳлар келтиради. Ҳатто адабий қарашларида Замахшарийдан ҳам устун эканини таъкидлаш муболаға бўлмайди.

Хошияда Журжоний Қуръон суралари тартибларининг илоҳий асосга кўра эканини таъкидлайди. Журжоний Замахшарийнинг *وجله بالتحميد مفتتحا وبلاستعاذة مختما* [ва жаъалаҳу бит-тахмиди муфтатихан ва бил-истиозати мухтамиман] – “Ва Қуръонни ҳамд билан бошлади ва истиоза билан якунлади” сўзларининг маъносини очиқларкан, бундай дейди: “جعل [жаъала] феълининг Аллоҳга нисбат берилишида Қуръоннинг бу шаклда Лавҳул-Маҳфуздаги тартибга мувофиқ тартиб этилиши Аллоҳнинг амри ва Расулulloҳ (с.а.в.)нинг таълими бўлганига ишора бордир” [4:85]. Шунингдек, олим Қуръоннинг бўлиб-бўлиб нозил этилиши ҳақида бундай дейди: “Қуръоннинг воқеа-ҳодисаларга кўра парча-парча нозил этилиши унинг ҳукмларининг

татбиқ этилиши ва оятлар назмидаги дақиқликни тушунишни осонлаштириш учундир” [4:180].

Шу билан бирга, хошияда Қуръоннинг махлуқ ёки махлуқ эмаслиги ва мўътазилийлик ва аҳли сунна эътиқодларидаги бошқа ихтилофларга оид масалалар ҳам кенг ёритилган, аҳли сунна вал жамоа таълимоти далиллари зикр этилган.

Бугунги кунда асарнинг юзга яқин қўлёзма нусхалари Ўзбекистон, Туркия, Саудия Қиролиги, Миср, Тунис, АҚШ каби дунёнинг бир қатор давлатларидаги кутубхоналарда сақланади.

Олимлар орасида ўзига хос кадрга эга бўлган Журжонийнинг мазкур асари дастлаб 1308/1891 йилда Мисрда босилган бўлиб, кейинчалик Қоҳирада 1318/1900 ва 1385/1965 йилларда “ал-Кашшоф” тафсири билан биргаликда бир неча маротаба нашр этилган. Шунингдек, Байрутда ҳам “ал-Кашшоф” асарининг хошиясида нашр этилган бўлиб, нашр санаси аниқ эмас.

Журжонийнинг ушбу асарига Алоуддин Али Тусий (ваф. 887/1482), Хотибзода Мухйиддин Муҳаммад (ваф. 901/1495), Ибн Камол Шамсиддин Аҳмад ибн Сулаймон (ваф. 938/1534) ва Ҳасан Чалабий ибн Муҳаммад Фанорий (ваф. 886/1481 й.) каби эътиборли олимлар хошия ва таълиқлар ёзганлар [4:180].

Асарнинг энг охириги замонавий нашри 2016 йилда марокашлик тадқиқотчи доктор Рашид бин Умар Арозий томонидан Саудия Арабистонининг “Жамиа Малик Сауд” кутубхонасидаги 5111 ва 2809 ҳамда Мичиган университетидаги II 85, II.217 N16, B.I.290 инвентарь рақамли нусхалар асосида тайёрланган. Шунингдек, турк тадқиқотчиси Садриддин Гумуш “Саййид Шариф Журжоний ва унинг “Хошия ала ал-Кашшоф” асари” номли йирик мақоласида ушбу асарда кўтарилган масалалар ҳақида атрофлича баҳс юритади.

Журжонийнинг фақатгина манбаларда номини учратиш мумкин бўлган “Хошия ала авайл тафсир анвор ат-танзил ва асрор ат-таъвил” (“Хошия ала тафсир ал-Байзовий”) асари Қози Байзовий (ваф. 685/1286 й.)нинг “Анвор ат-танзил ва асрор ат-таъвил” китобига ёзилган хошия ҳисобланади.

Табакот жанридаги манбаларда “Тафсир аз-захровайн” номли ўнга яқин асарлар тилга олинади. Ҳадисда Бақара ва Оли Имрон

суралари захровайн – “икки нур сочувчи” деб аталган ва мазкур икки суранинг фазилатлари зикр этилган. Шу сабабдан муфассирлар бу икки суранинг тафсирига бағишланган алоҳида асарлар тасниф этганлар. Журжоний қаламига мансуб “Тафсир аз-захровайн” асарининг нусхалари дунё кутубхоналарида сақланиши ҳақида маълумотлар мавжуд эмас. Ҳожи Халифа у ҳақда китобининг икки ўрнида тўхталади. Бир ўринда асарни “Тафсири Саййид Шариф” шаклида, бошқа бир ўринда “Тафсир аз-захровайн” шаклида зикр қилади [5:165]. Бундан мазкур асар ўз даврида ушбу номлар билан танилганини англаш мумкин.

Саййид Шариф Журжонийнинг “Таржумон ал-Қуръон” асари ҳақида Ҳожи Халифа “Кашфуз-зунун” асарида: “Аллома бу китоб ҳақида “Ҳошия ала ал-Кашшоф”да зикр қилган”, дейди [5:165]. Асар муфрадот ал-Қуръон илмига оид бўлиб, унда “Истиоза” (Аъузу биллааҳи мина-ш-шайтони-р-рожим) ва “басмала” (бисмиллааҳи-р-Роҳмаани-р-Роҳийм) ҳамда Қуръони каримда мавжуд мингдан ортиқ калималарнинг маънолари форс тилида изоҳланган. Журжоний ушбу асарни Қуръони карим суралари тартибида ёзган бўлиб, сўзларнинг Қуръони каримда келган айна шаклини эмас, балки масдар шакллари келтирган. Мазкур асар ёзилганидан бир аср кейин Одил ибн Али томонидан алифбо тартибида тартибланган. Асар бугунги кунимизгача етиб келган бўлиб, 1954 йил Техронда, Ҳайдарий нашриётида чоп этилган.

Асарнинг қўлёзма нусхалари Эрон, Туркия, АҚШ кутубхоналарида сақланмоқда.

Шунингдек, “Кашфуз-зунун”да “Рисола фи қовлиҳи таала “Санурийҳим аятина фил-офоқи ва фи анфусихим”” номли рисола Саййид Шариф Журжоний қаламига мансуб экани ҳақида “ро” ҳарфига бағишланган қисмда тўхталиб ўтилади. Асар Фуссилат сураси 53-оятта тафсирига бағишланган бўлиб, бугунги кунга қадар етиб келмаган.

“Рисола фи баъзи мушкилат ал-Кашшоф” (“Шарҳ мушкилат ал-Кашшоф”) номли асарнинг қўлёзма нусхаси АҚШнинг Принстон университети кутубхонасида сақланади. Асар муаллифи Саййид Шариф Журжоний экани аниқланган, аммо ушбу қўлёзма илмий-таҳлилий жиҳатдан ўрганилмаган бўлиб, унинг

“Ҳошия ала ал-Кашшоф” асарининг айна ёки мустақил бир асар экани ҳақида хулосалар мавжуд эмас [6].

“Ат-Таърифот” асари Журжонийнинг сўзига кўра, исломий илмлар соҳасида ўз даврига қадар ёзилган бутун бошли асарлардан саралаб олинган ушбу комус илм талабидаги кишиларга қулайлик туғдириш мақсадида тасниф этилган бўлиб, алифбо ҳарфлари тартибида тузилган [7:29].

Саййид Шариф Журжоний ўзининг бу китобида 2026 та истилоҳнинг таърифини келтирган бўлиб, улар асосан калом, фалсафа, мантиқ, наҳв, сарф, аруз, кофия, тафсир, ҳадис, фикҳ, фароиз, усул ул фикҳ, ҳисоб, балоғат, тасаввуф, астрономия, тиббиёт каби илмларга хос истилоҳларни ўз ичига олган [8:68].

“Ат-Таърифот”да истилоҳларнинг луғавий маънолари баён қилингандан сўнг уларнинг бошқа илмлардаги таърифлари келтирилади. Баъзи истилоҳларнинг луғавий маънолари ёритилмасдан тўғридан тўғри таърифларга киришилган. Сўзларнинг дақиқ ва нозик жиҳатларигача баён этилган ушбу асарда баъзи тасаввуф ва фалсафа илмларига оид истилоҳларнинг таърифлари мубҳам бўлиб қолган.

Журжонийнинг “ат-Таърифот” асарида юқорида санаб ўтилган илмларга оид истилоҳлар билан бирга Қуръон илмларига оид истилоҳлар ҳамда Қуръонда келган айрим ибораларнинг таърифлари ҳам келтирилган. Жумладан, олим асарда “Қуръон”, “муҳкам”, “муташобех”, “мутлак”, “муқайяд”, “насх”, “муҷмал”, “муқтадо-н-нас”, “тафсир”, “таъвил”, “муаввал”, “лаҳн”, “мажоз”, “мутавотир”, “муфассар”, “баён ат-тафсир” каби йигирмага яқин истилоҳларнинг таърифларини келтирган.

Журжоний “Қуръон” сўзи таърифида бундай дейди: “У Пайғамбарга нозил этилган, саҳифаларга ёзилган, пайғамбардан шубҳасиз ва мутавотир тарзда нақл қилинган (Китоб) дир” [9:146]. Ушбу таърифдан сўнг Журжоний ўз услубига кўра, сўзнинг бошқалар наздидаги таърифини келтиради ва: «Қуръон аҳли ҳақ наздида: “Умумий ладуний илм ва барча ҳақиқатларнинг жамловчисидир”», дейди.

Муташобех сўзига эса қуйидагича таъриф беради: “Муташобех оятнинг маъноси лафзнинг ўзида яширин қолган, уни идрок қилишга асло

умид қилинмайдиган нарсадир”. Ушбу таъриф муташибеҳ атамасига берилган энг мукаммал таърифлардан ҳисобланади.

Шунингдек, “тафсир” ва “таъвил” сўзлари таърифидан мазкур икки истилоҳ ўртасидаги фарқни осонгина англаш мумкин: “Тафсирнинг асл маъноси кашф этиш ва изҳор қилиш. Шариатда эса оят маъноси, мақсади, унга оид қисса ва нозил бўлиш сабабини очик-ойдин далолат қилувчи лафз билан баён этишдир”. Таъвил сўзи таърифида: «Таъвил аслида қайтиш маъносини англатади. Шариатда эса лафзни зоҳирий маънодан эҳтимолли маънога йўналтиришдир. Эҳтимолли маъно куйидаги оят таъвилидаги каби Китоб ва суннатга мувофиқ бўлиши лозим:

وَمَنْ يُخْرِجِ الْحَيَّ مِنَ الْمَيِّتِ وَيُخْرِجِ الْمَيِّتَ مِنَ الْحَيِّ

“...тирикни ўликдан, ўликни тирикдан ким чиқаради?” (Юнус сураси, 31-оят).

Агар (муфассир) бу оятдан қушни тухумдан чиқариш (маъноси)ни назарда тутса, бу тафсир ҳисобланади. Агар кофирдан мўминни чиқариш, жоҳилдан олимни чиқариш назарда тутилса, бу таъвил ҳисобланади», дейди [9:46].

Олимнинг “Шарҳ муфрадот ал-алфоз ал-Қуръон ли-р-Роғиб” номли асари ҳам ўрганилмаган. Қўлёзма каталогларида Туркиядаги Амося Боязид II халқ кутубхонасида 1/556 инвентарь рақам остида мазкур асарнинг 27 варақдан иборат қўлёзма нусхаси сақланиши кўрсатилган. Унинг кўчирилган санаси аниқ эмас. Юсуф ибн Мустафо томонидан настаълиқ хатида кўчирилган бўлиб, ҳар бир саҳифа 17 сатрдан иборат. Саҳифа ва матн ўлчами 181x138–113x68 мм [10].

Мазкур асарлардан Маҳмуд Замаҳшарийнинг “ал-Кашшоф” асарига ҳошия сифатида битилган “Ҳошия ала ал-Кашшоф”, “ал-Кашшоф” асарида келтирилган айрим масалалар ечимига бағишланган “Шарҳ мушкилат ал-Кашшоф”, Қуръони каримдаги сўзлар изоҳига оид “Таржумон ал-Қуръон”, диний истилоҳларга оид “ат-Таърифот” ҳамда Роғиб Исфажонийнинг “Муфрадот” асари шарҳи ҳисобланган “Шарҳ муфрадот ал-алфоз ал-Қуръон” номли асарларининг қўлёзма нусхалари ҳозирга қадар сақланиб қолган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, илмий фаолиятининг гуллаган даврини юртимизда ўтказган Саййид

Шариф Журжоний ўзининг Қуръон илмларига оид асарлари орқали ўрта асрлар, хусусан, темурийлар даври Қуръон илмлари соҳасида ўзига хос ўрин тутган. Унинг араб тили, мантиқ, балоғат каби илмларда пешқадамлиги Қуръони карим оятлари ва сўзларини изоҳлашда ҳам олимнинг ўзига хос ёндашувини кўрсатиб беради. Айнан шу омил бугунги кунимизга қадар илмий доираларда истифода этиладиган “ат-Таърифот” каби нодир асарларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Журжоний илмий меросини ўрганиш миллий давлатчилигимиз асоси бўлмиш темурийлар даври илмий муҳити, хусусан, мазкур даврда Қуръон илмларининг ўрганилишига доир қимматли маълумотларни ўзлаштириш ҳамда уларни илмий жараёнларда қўллаш имкониятини беради.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Зиёдов Ш., Маҳмудов Қ. Самарқандлик алломалар. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2019. – 259 б.
2. <https://azhar.forumegypt.net/t6769-topic>
3. Саййид Шариф Журжоний. Ҳошия аъла-л-Кашшоф. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 2012. – 688 б.
4. Седриддин Гумуш. Журжани ве Ҳашийе ала-л-Кашшафи. Мармара университети илаҳиёт факултеси дергиси. – Истанбул, 1993. – 190 б.
5. Ҳожи Халифа Мустафо бин Абдуллоҳ. Кашфуз зунун ан асомий ал-кутуб вал фунун. – Байрут, Ливан: Дор ихё ат-турос ал-арабий, 2008. – Ж 3.
6. <https://dpul.princeton.edu/islamicmss/catalog/8910jx179>
7. Islam ansiklopedisi. – Истанбул, 2013. – Ж. 40.
8. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Самарқанднинг сара улаомлари. – Тошкент: Ҳилол-Нашр. – 110 б.
9. Саййид Шариф Журжоний. Мўъжам ат-Таърифот. – Қоҳира: Дор ал-фазила, 2004.
10. <https://yazmalar.gov.tr/>